

## Ўзбек ва Инглиз Халқ Афсоналарининг Ўрганилишига Доир

Абдурашидова Камола Расуловна<sup>1</sup>

**Аннотация:** Мазкур мақолада ўзбек ва инглиз халқ афсоналарининг ўрганилиши ҳақида фикр юритилади. Шунингдек, жаҳон ва ўзбек олимлари томонидан халқ афсоналарининг ўрганилиши, тўплаб нашр эттирилиши каби масалалар ёритилган ҳамда афсона жанри борасидаги назарий қарашлар, илмий концепциялар умумлаштирилган.

**Калит сўзлар:** эпик тур, афсона, композиция, сюжет, образлар тизими, мифологик образлар, ритуал-мифологик мактаб назарияси, мифологик мактаб назарияси, типология, дифференцияция.

**Кириш.** Жаҳон фольклоршунослигида халқ афсоналарини тўплаш, нашр қилиш ва илмий асосда ўрганиш юзасидан инглиз, немис, рус ва туркий халқларда бир қатор эътиборли тадқиқотлар амалга оширилган. Бироқ ўзбек ва инглиз халқлари афсоналарини киёсий тадқиқ этиш муаммоси махсус ўрганилмаган. Шуни эътиборга олиб, мазкур мақоламизда жаҳон ва ўзбек олимлари томонидан халқ афсоналарини ўрганиш борасидаги назарий қарашларга тавсиф бериш, илмий концепцияларни умумлаштиришни мақсад қилдик.

Муҳокама ва натижалар. Халқ афсоналари жаҳон фольклоршунослигида неча асрлардан буён турли назарий қарашлар асосида тадқиқ этилган. Миф ва афсоналар дунё фольклоршунослигидаги илмий йўналишлардан бўлган “мифологик мактаб” назарияси вакиллари томонидан ҳам ўрганилган. Улар мифнинг моҳияти афсона жанри асосида баён этилган ва барча фольклор асарлари заминида мифология туради, деган қарашни илгари сурганлар. Миф ва афсоналарни мифологик мактаб назарияси концепциялари асосида ўрганиш Б.Фонтенель, Ж.Вико, Ф.Крейцер, М.Мюллер, Ж.Кокс И.Г.Гердер, А.Б.Шлегель, Ф.Шлегель, Ф.Шеллинг, Л.Арним, К.Брентано, И.Гёррес, В.Гримм ва Я.Гримм, А.Кун, В.Шварц, В.Манхардт, А. Де Губернатис, М.Бреаль, А.Пикте, Э.Чемберс, Г.Маррей, Ж.Харрисон, Ж.Уэстон, Ф.Корнфорд, А.Н.Афанасьев, А.А.Потебня каби олимлар томонидан амалга оширилди. Ўзбек фольклорида М.Жўраев[4;6], Ш.Турдимов [13], М.Раҳмонова [9;10] каби фольклоршунослар афсоналарнинг мифлар билан алоқаси, мифларнинг афсона бадиий шакли орқали берилиши, фольклор асарлари моҳиятида мифлар ётиши каби масалаларни тадқиқ этган.

Фольклор асарларини “Тарихий-географик мактаб” назарияси концепциялари асосида тадқиқ этган А.Аарненинг “Эртақ типларининг кўрсаткичи”ни (“Verzeichnis der Marchentypen” 1910 й) тузиши афсона жанри мотивлар кўрсаткичини тузишга замин ҳозирлади. С.Томпсон (К.Крон раҳбарлигида 1928 й) ушбу кўрсаткични бойитиб, эртақлар билан бирга афсоналарнинг ҳам мотивлар (миф, ривоят, нақл, масал, латифа ва бошқа жанрлар) кўрсаткичини киритди. “Байналмилал йиғма каталог” номини олган ушбу кўрсаткич “Аарне-Томпсон кўрсаткичи” (АТ) деб номланиб, 1973- йилда нашр этилган. С. Томпсон тадқиқоти дунё халқлари афсоналарини ҳам мотивлар кўрсаткичига кўра ўрганиш концепциясини ишлаб чиққани билан диққатга сазовордир. В.Н.Андреевнинг “Эртақ сюжетларининг Аарне ситемаси бўйича кўрсаткичи” (АА), Л.Г.Барагнинг (И.П.Березовский, К.П.Кабашников, В.Н.Новиковлар билан ҳамкорликда) “Сравнительный указатель сюжетов. Восточнославянская сказка” номли каталоги афсона жанрини сюжет-мотивларга кўра ўрганиш йўлидаги жиддий тадқиқотлар бўлди. Айниқса, Л.Г.Бараг (СУС) каталогининг “Эртақ ва бошқа эпик жанрлар сюжетларининг кўрсаткичлари рўйхати” иловаси рус халқ афсоналарини сюжет-мотивларига кўра ўрганишдаги етакчи манба бўлиб қолди. Фольклорнинг эпик асарлари, жумладан, афсона жанри сюжет ва мотивлар кўрсаткичини тузган рус олими Ю.Е.Березкиннинг (“Америка ва Евросий халқлари фольклоридаги мифологик мотивлар каталоги”) каталоги афсоналарни киёсий ўрганиш борасидаги янги тадқиқотлар учун йўл очди. Ушбу каталогда Америка ва Евроосий халқлари фольклоридаги мифологик мотивлар кўрсаткичи берилиши асосида паралелликлар кўрсатилди.

Афсона жанрини фольклоршуносликдаги “миграцион назария”, “сайёр сюжетлар назарияси” номлари билан юритилувчи мактаб қарашлари асосида ўрганиш Т.Бенфей, В.В.Стасов, Ф.И.Буслаев, Ф.Миллер, А.Н.Велеловский, И.Н.Жданов, Г.Н.Потанин, А.Н.Кирпичников каби олимлар ишларида кузатиш мумкин. Унга кўра фольклор асарлари, жумладан, афсоналардаги айрим сюжет ўхшашликлари халқлар ўртасидаги ижтимоий-сийсий, маданий, иқтисодий алоқалар асосида биридан бошқасига кўчиб юради. Эртақ, масал, нақл ва афсоналарнинг кўчиб юришига сабаб сифатида эса Искандар Зулқарнайн юришлари, салб юришлари, араблар истеълоси кўрсатилади. Ушбу концепция вакиллари тадқиқотларида турли жанрлардаги (афсоналардаги ҳам) мотивлар ўзаро қиёсланди. Ўзбек фольклоршунослигида Ғ.Жалолов “Ўзбек фольклорида жанрлараро алоқалар” (1979) китобида миф ва афсоналарнинг эртақ жанри билан алоқалари масаласини айтиш шундай концепция қарашлари асосида изоҳлашга ҳаракат қилган. Фольклоршунос Ш.Шомусаров (“Араб ва ўзбек фольклори тарихий-киёсий

<sup>1</sup> Мустақил тадқиқотчи

тахлили”) ўзбек ва араб фольклоридаги муштарак эпик сюжетларни ўрганиш жараёнида афсона ва мифларга ҳам эътибор қаратган.

Жаҳон халқлари фольклор асарлари, жумладан, халқ афсоналаридаги этнографик типологияларни “Антропологик мактаб” назарий концепциялари асосида тадқиқ қилиш Э.Тайлор, В.Вундт, Э.Ланг, В.Мангардт каби олимлар тадқиқотларида кузатилади. Дунё халқлари миф ва афсоналаридаги типологик муштаракликларни эволюционистик назария тамойиллари асосида изоҳлаган олимларнинг қарашларига кўра миф ва афсоналаридаги аналогиялар инсониятнинг бир хил ривожланиш босқичларини босиб ўтганлиги билан боғлиқ. Миф ва афсоналаридаги анъанавий мотивларни анимистик назария асосида изоҳлаш, улардаги типологияларни тафаккур тарзининг бир хил тадрижий ривожланишига боғлаш кабилар концепция тарафдорлари ишларида кузатилади.

“Ритуал-мифологик мактаб” назарияси қарашлари асосида фольклор асарларини, жумладан, миф ва афсоналарни тадқиқ қилиш натижасида миф ва афсоналар маросим-ритуаллар таъсирида пайдо бўлганлиги ҳақидаги қарашлар далилланди. Ж. Фрезер, Р.Смит, С.Хук, Т.Х.Гастер, Э.О.Жеймс, Ф.Раглан, С.И.Хайман, У.Басжом, К.Клукхон, Ж.Фонтенроз, В.В.Пропп, О.М.Фрейденберг, Н.Сумцов, А.Н.Веселовский, К.Имомов[7], М.Жўраев [9;10], Ж.Эшонкулов [14] каби олимлар ишларида миф ва афсоналарнинг маросимлар билан алоқадорлиги масалалари ёритилган.

Ўзбек халқ самовий афсоналарини ўрганган М.Жўраев “Сомон йўли” афсонасини таҳлили жараёнида сомон йўли сидиригининг келиб чиқишини “Ангур ва Тангур” афсонасидаги воқелик асосида изоҳлайди. Шунингдек, Ангур ва Тангур образларини ер ости ва осмон ҳукмдори эканлигини дунё халқлари фольклоридаги аналогиялар асосида далиллайди [5,67]. Олимнинг тадқиқотларида мифларнинг маросимлар билан алоқадорлигини асослаш етакчилик қилади.

“Тарихий мактаб” назарияси вакиллари миф ва афсоналарни тарихий воқелик билан боғлиқ ҳолда ўрганишни, тарихий-фольклорий жараённинг фольклор асарлари тараққиётига таъсирини инобатга олиш зарурлигини ўз таъкидлайдилар. А.Н.Веселовский (“Тарихий поэтикага кириш”), В.Ф.Миллер (“Рус халқ оғзаки сўз санъати очерклари”), Б.Саримсоқов, К.Имомов, У.Жуманазаров, М.Муродов, С.Рўзимбоев каби олимлар тадқиқотларида айти шу мактаб концепциялари асосидаги назарий қарашлар илгари сурилган. Ўзбек фольклоршунослигида Б.Саримсоқов мифларнинг афсона жанрига диффузияси масаласини[12], К.Имомов ўзбек халқ насри жанрларини, жумладан афсоналарни тарихий воқелик синтези сифатида [7], У.Жуманазаров эса халқ афсоналарини тарихий воқеликнинг хаёлий уйдирма асосидаги инъикоси сифатида ўрганайдилар [2;3]. М.Муродов, С.Рўзимбоев[11], Г.П.Снесарев[Три хорезмские легенды в свете демонологических представлений // Советская этнография], Л.С.Толстова [Исторические предания Южного Приаралья], В.Н.Басилова [Культ святых в исламе] тадқиқотларида ўзбек халқ афсоналари маълум бир тарихий воқелик асосида шаклланганлиги таъкидланади.

Эдвин Сидней Хартленд, С.А.Матвеевлар қадимги Англия афсоналарини, К.Вигга Британия эртақ ва афсоналарини, W.B. Yeats Ирландия афсона ва эртақларини, М.Муродов, М.Шайхова, М.Жўраев, У.Сагторов, Р.Саидовалар ўзбек халқ афсоналарини тўплаб нашр эттирганлар.

Эдвин Сидней Хартленд ( "Легенды Старой Англии", Английские предания и легенды) Америкада фольклори асарлари, жумладан, қадимги Англия афсоналарини, Дон Ёдер (American Folk Legend) эса Пенсильвания фольклор маданиятидаги афсоналарнинг ўзига хос хусусиятларини, Речард Франсис Флекс (Henry David Thoreau's interest in myth, fable, legend), Ван Аллен Тайсон (Folklor in the life and work of John Gould Fletcher) каби олимлар афсоналарнинг ёзма адабиётга таъсири масаласини, Валтер Роберт Фелдман ишларида (The Uzbek oral epic: documentation of late nineteenth and early twenties century bards) эса ўзбек фольклори, шунингдек, афсона жанрининг фольклор асарлари билан алоқаси масаласи тадқиқ этилганини кўриш мумкин. Қуйидаги олимлар тадқиқотларида эса турли халқлар фольклоридаги афсоналарнинг жанр хусусиятлари, образлар тизими, бадияти каби масалалар ёритилган. Жумладан, Л.С. Толстова тадқиқотида Жанубий Оролбўйи ривоят ва афсоналари, В.Е. Гусев, С.Н. Азбелев тадқиқотларида афсона, ривоят ва эртақларнинг ўзаро алоқалари, ривоят ва эртақларни халқаро тизимлаштириш муаммолари, Л.И. Емельянов оғзаки ривоявий жанрлар муаммосини, К.В. Чистов тадқиқотларида эса халқ насри таснифи тамойиллари ўрганилган. Н.И. Кравцов, С.Г. Лазутин, В.П.Аникин, Ю.Г. Круглов рус фольклори борасидаги назарий қарашларини афсона жанри мисолида илгари сурганлар. Ю.С. Левская эса Америка шаҳар афсоналарининг постфольклор маданиятидаги модификацияларини, О.Б. Найок эса Америка халқ афсоналари ривоявий услубини тадқиқ этганлар. А.И.Наева Олтой маросим фольклори тизимида афсоналарнинг ўрнини, Ф.А.Надршина Бошқирд халқининг эртақка хос бўлмаган насрини, Э.М. Алиева даргин халқ ривоят ва афсоналаридаги миллийликни, Б.Ю. Сенглеев қалмиқ халқининг Мазан ботир ҳақидаги афсона ва ривоятларини, Д.Э. Басаев калмиқ халқ афсона ва ривоятларини, Л.Л. Кушнарева Забайкалнинг мифологик сюжетлари асосида шаклланган афсона ва ривоятларини, Б.Б. Бадмаев бурят халқ афсоналари образлар тизимини, Л.Ц. Малзурова хонгородларнинг афсона ва ривоятларини, Э.Ш. Ильдарова фольклорнинг насрий асарларидаги мифологик персонажларни ўрганиб, жиддий тадқиқотлар яратганлар. А.С. Майер Москва шаҳар афсоналарини тарихий манба сифатида, А.Б. Мороз халқ агиографиясидаги афсонавий сюжетларни, Б.Г. Ахметшин, И.К. Фазлутдинов ва Г.М. Исхақовалар Жанубай Урал, татар ва Бошқирдистон афсоналарини, Г.Г. Илина чувашларнинг афсона ва ривоятларини, И.А. Бессонов, Ю.Г. Фатеева, Ю.М. Шеваренкова рус халқ (эсхатологик) афсоналарини, Д.В. Сокаева осетин фольклори насридаги сакрал персонажларни, М.В. Пурбуева, Е.Н. Дувакин шомонлик насрий жанрларидаги сюжет ва мотивларини, А.Х. Садекова, С.М. Гилязутдинов татар

халқ оғзаки ижодидаги ислом идеологиясининг халқ афсоналарига таъсири масаласини, М.М. Ахмедов ва С. Х.Пашаевлар озарбайжон халқ афсоналарини, С.Қасқабасов қозоқ халқ афсона, ривоят ва бошқа насрий жанрларини, А.М. Бақимбетов қорақалпоқ халқ тарихий афсоналарини ўрганиш борасидаги ютуқларни қўлга киритганлар.

Ўзбек фольклоршунослигидаги К.Имомов, Б.Саримсоқов, У.Жуманазаров, М.Жўраев, Ш. Турдимов, Ж.Эшонқулов, Н.Раҳмонов, М.Раҳмонова каби олимларнинг халқ афсоналарини ўрганиш бўйича яратган асарлари бизга методологик асослик вазифасини ўтайди ва ушбу тадқиқотлар халқ афсоналарини ўрганиш борасидаги жиддий ютуқлардир.

Ўзбек ва инглиз халқ афсоналарининг поэтик табиатини ёритиш, композицияси ва образлар тизимини қиёсий таҳлил қилиш орқали унинг типологик ва дифференциал хусусиятларини аниқлаш, хаёлий уйдирма ва хроноп масаласини ўрганиш, уларни таснифлашдаги дифференциатив муаммоларни бартараф этиш ва таснифини яратиш, анъанавий мотивлар ва сюжет типларини аниқлаш, постфольклор жараёнларидаги ҳолати ва модификацияларига доир қонуниятларни аниқлаш фольклоршунослигимиз олдида турган долзарб вазифалардандир.

Хулоса. Ўзбек халқ эртакларини қиёсий-типологик метод асосида ўрганган Х.Эгамов ушбу методнинг маълум бир халқлар фольклори, унинг алоҳида жанрларини қиёсий-типологик ўрганиш, халқаро қиёсий типологик ўрганиш, қиёсий-этнографик ўрганиш, лингвофольклористик аспектда ўрганиш, жанрлараро типологик ўрганиш зарурлигини таъкидлайди [15, 25]. Шунингдек, олим ўз тадқиқотида бир халқ фольклоридаги муштаракликларни аниқлашга “монотип ўхшашлик” ҳамда этник жиҳатдан қондош халқлар ва жаҳон халқлари оғзаки бадиий ижодидаги ўхшашликларни “интертип ўхшашлик”ларни аниқлаш масалаларини ёритади. Биз ҳам халқ афсоналарини олим тавсия қилган жаҳон халқлари оғзаки бадиий ижодидаги “интертип ўхшашлик”ларни аниқлаш тавсияси асосида иш кўриш муҳим илмий ютуқларни қўлга киритишга замин ҳозирлайди, деб ўйлаймиз. Халқ афсоналарини жаҳон халқлари фольклори контекстида қиёсий тадқиқ этиш турли халқлар фольклоридаги аналогияларни, типологик ўхшашликларни аниқлаш имконини беради.

#### Адабиётлар:

1. Бақимбетов А.М. Қорақалпоқ халқ афсоналарининг ўзига хос хусусиятлари, таснифи ва сюжет таркиби. Филол. фанлари бўйича фалсафа (PhD) докт. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2020. – 54 б.
2. Жуманазаров У. Ўзбек фольклори ва тарихий воқелик. - Т.: “Фан”, 1991.
3. Жуманазаров У. Тарих, афсона ва дин. - Т.: “Ўзбекистон”, 1990.
4. Жўраев М. Ўзбек халқ самовий афсоналари. - Т.: “Фан”, 1995.
5. Жўраев М. Фольклоршунослик асослари. – Тошкент: Фан, 2008.
6. Жўраев М. Ўзбек халқ тақвими ва мифологик афсоналар. -Т., 1994.,
7. Имомов К. Ўзбек халқ насри поэтикаси. – Т.: Фан, 2008.
8. Раҳмонов Н. Рухиятдаги нур муроди. – Тошкент: Халқ мероси, 2002.
9. Раҳмонова М.Р. Ўзбек халқ тарихий афсоналарининг ўзига хос хусусиятлари, генезиси ва таснифи: Филол. Фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2004.
10. Раҳмонова М.Р. Ўзбек халқ афсоналарининг бадиияти. Филол. фанл. бўйича доктори (DSc) ... диссертацияси. – Тошкент. 2019. – 259 б.
11. Рўзимбоев С., Бекчанов Ш. Афсона ва тарихий ҳақиқат. –Хива, 2000.
12. Саримсоқов Б. Эпик жанрлар диффузияси / Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. – Тошкент: Фан, 1981. – Б. 143-144.
13. Турдимов Ш.Г. Самовий афсоналарда мифологик тартиб изоҳи./ “Ўзбек фольклорининг ўзбек ва инглиз тилларидаги веб сайти ва мультимедиа маҳсулотларини яратиш” мавзуидаги Республика конференцияси тўплами. 2-китоб. Наманган, 2022. – Б.18-21.
14. Эшонқулов Ж. Ўзбек фольклорида дев образининг мифологик асослари ва бадиий талқини. Филол. фанлари номз. ... дисс. –Тошкент, 1996. – Б.26-27.
15. Эгамов Х. Туркий халқлар эртакчилиги анъаналари алоқалари тарихидан очерклар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980.